

Р.М. Урақова, ВИТИ лаборатория мудири, кичик илмий ходим,
Г.С. Самеева, Самарканд вилояти ҳайвонлар касалликлари
ташхиси ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги давлат
маркази лаборатория мудири

БАЛИҚЛАР ЛИГУЛЁЗИНИНГ КЛИНИК БЕЛГИЛАРИ

Аннотация

В данной статье описаны клинические признаки, сезонная динамика, патологические изменения, а также результаты лабораторных исследований в рыбоводных прудах некоторых районов Самаркандской области.

Калим сўзлар: балиқ, касаллик, лигулёз, цистода, кўзгатувчи, Ligulidae, плероцеркоид, балиқчилик, сув ҳавза.

Summary

This article describes the clinical signs, seasonal dynamics, pathological changes, as well as the results of laboratory studies in fish ponds in some areas of the Samarkand region.

Мавзунинг долзарблиги. Балиқ касалликларини олдини олиш ва даволаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш бугунги кунда долзарб масала ҳисобланади.

Шу сабабдан балиқчилик хўжаликларида лигулёз касаллигини клиник белгиларини ўрганиш асосий мақсад қилиб қўйилди. Лигулидозлар деярли барча балиқчилик хўжаликларида кенг тарқалган бўлиб, кўпроқ табиий сув хавзалари: дарёлар, сув омборлари, кўллар ва ҳовузларда учрайди. Одатда балиқларнинг ремнецлар билан оммавий зарарланиши сув хавзаларида рўй беради ва бу эса ўз навбатида балиқларнинг кўплаб қирилиб кетишига сабаб бўлади. Лигулёз - бу балиқларнинг цестодоз ясси чувалчанглар типини Cestoda синфига Ligulidae оиласига мансуб Ligula intestinalis инвазион личинкаси - плероцеркоид бўлиб, асосан карп турдаги балиқларнинг қорин бўшлиғида паразитлик қилади, ички органларнинг атрофияси, пуштсизлик, айрим пайтларда эса қорин деворининг ёрилиши ва балиқларнинг нобуд бўлишига олиб келади. Кўзгатувчининг жинсий вояга етган шакли турли балиқхўр паррандаларнинг ичакларида паразитлик қилади. Личинкалар йирик тасмасимон шаклда бўлиб, узунлиги 3-120 см ва эни 0.5-1.7 см. Личинкалар танасининг ташқи томони бўғимларга бўлинганлиги сезилмайди, аммо ички метамерия аниқ билинади. Танасининг олд қисми юмалоқлашга бўлиб, бўйинчаси аниқ эмас. Касалланган балиқлар қорни

шишган, озиқланишдан тўхтайдди, кучли ориклар кетади, соғлом балиқларга нисбатан 20-50% га оғирлиги камайдди. Ремнецлар балиқлар қорин бўшлиғида жойлашиб, ўлчам катталашиб, ички органлар (айниқса жигар, сузгич пуфаги ва жинсий безлар) ни қаттиқ сиқиб қўяди ва уларнинг функциясини бузади. Бу эса ўз навбатида, жинсий безларнинг атрофиясига олиб келади, оқибатда паразитар кастрацияга сабаб бўлади. Паразитларнинг механик таъсиридан ташқари, балиқ организмга ўзларининг модда алмашинуви маҳсулотларини ажратиб, интоксикацияга сабаб бўлади. Алоҳида органлар фаолиятини ва умумий моддалар алмашинувини бузади. Касалланган балиқлар ноодатий ҳаракатлар қила бошлайди. Шунинг учун ҳам балиқлар лигулёзи баъзан “балиқлар қутуриши” деб ҳам аталади. Лигулёз касаллигига ташхис клиник белгилари ва балиқларни ёриб кўрганда, уларнинг қорин бўшлиғида плероцеркоидларни топиш орқали қўйилади.

Тадқиқот материаллари ва услублари.

Пастдарғом, Каттақўрғон, Пайариқ, Оқдарё туманлари балиқчилик хўжаликларида тадқиқотлар олиб бордик. Унга кўра ушбу туманларга қарашли балиқчилик хўжалик эгалари билан биргаликда балиқ сув хавзалари эпизоотик ҳолатини ўрганиб, балиқлар



1-расм.



2-расм.



3-расм.



4-расм.

орасида касаллик учраш-учрамаслиги тўғрисидаги анамнез маълумотларни олдик. Пайариқ тумани- даги “Жиянбек” балиқчилик фермер хўжалигида балиқларда касалланиш яъни балиқларнинг кам хара- катлиги, кўпрок соҳилларда сузиб қолиши, камишлар кўп жойларда туриб қолиши, балиқларнинг қорин бўшлиқларида шиш пайдо бўлиб, ўлим ҳолатлари ку- затилаётганлиги аниқланди.

Ушбу анамнез маълумотларга кўра ҳамда балиқ касалликларининг мавсумий динамикасига асосла- ниб, бирламчи паразитар лигулёз деб гумон қилинди. Балиқчилик сув ҳавзасидан 5 дона касалланган ок амур ва карп турдаги (оғирлиги 650-700 г бўлган) балиқлар танлаб олинди.

Олинган балиқ намуналарини ВИТИнинг парран- да, қуён, балиқ ва асалари касалликларини ўрганиш лабораториясида текширилди. Олинган намуналарни текшириш давомида фиксациялаш учун тоза стерил тахта, скалпел, қайчи, қискич ва кювета ишлатилди. Авваламбор балиқлар териси шиллик қисми спирт билан тозаланди. Балиқлар ташқи тарафдан шикаст- ланмаганлиги, терининг бутунлиги бузилмаган, хиди, ранги ўзига хос, фақат жабрасида оқариш ҳолати ва қорин қисмида шиш ҳолатлари борлиги кузатилди. Балиқларни скалпел пичоқ билан қорин бўшлиғи паст- ки қисмидан патологоанатомик ёриб кўрганимизда қорин бўшлиғида йирик тасмасимон шаклдаги, узун- лиги 3-120 см ва эни 0.5-1.7 см ўлчамдаги паразитлар ажратиб олинди.

Ушбу паразитлар гумон қилган лигулёз кўзгатувчилар эканлиги аниқланди. лигулёз тасма- чалари ажратиб олинди олдиндан тайёрлаб қўйилган барбагалла эритмасига экспонат сифатида олиб кўйилди.

Тадқиқот натижалари. Тадқиқотлар давомида Самарканд вилояти туманларидаги балиқчилик сув ҳавзаларидаги эпизоотик ҳолат ўрганилди. Балиқчилар билан суҳбат ўтказганимизда, ба- ликларнинг кам ҳаракатлиги, кўпрок соҳилларда сузиб қолиши, камишлар кўп жойларга туриб қолиши, қорин бўшлиқларида шиш пайдо бўлиб, ўлим ҳолатлари ку- затилаётганлиги аниқланди. Биз тадқиқот олиб бор- ган ҳавзага 23 кг (карп, сазан, ок амур, дўнгпешона) 4 хил турдаги чавақлар ташланган, ҳозирги кунда ўлим камроқ, асосан карп турдаги балиқларда куза- тилган. Ҳавзада лойка ҳамда камишлар, балиқхўр қушлар кўплиги, ҳавзага чиқинди сувлар тушиш на- тижасида балиқларда касалланиш ва ўлим ҳолатлари тадқиқотлар натижасида маълум бўлди. Яъни, балиқларга кислород етишмовчилиги, балиқларнинг сув устида тескари сузиш, кирғоқларга камишлар ордг сига тўпланиб қолиши, қорин қисми шишиб кетиши, баъзида қорин деворининг ёрилиб кетиш ҳолатлари кузатилди. Балиқларнинг лигулёз касаллигига таш- хис қўйишда ва клиник белгиларини ўрганишда мавсумий динамикасига, эпизоотологик маъ-

лумотларига, клиник белгиларига, паталого- анатомик ўзгаришлар ҳамда лаборатория тек- ширув тадқиқотлари асосида амалга оширил- ди.

Бундан ташқари, балиқлар лигулёзини олдини олиш ва профилактик чора-тадбир кўриш мақсадида лигула плероцеркоидларини

ташувчи май- да қискичбакачаларни йўқотиш, ёз мавсумида ҳавзани қуритиш, ҳамма нам ерлар, чуқурлар, ҳавза туби юза- сининингТ гектарига 30 центнер сўндирилмаган оҳак ва мис купороси 0,1% эритмаси солиниб, дезинфекция қилиниши лозим. Балиқ овловчи қушлар сув юзасига чиқиб турган дағал ўсимликларга кўнмаслиги учун улар ўриб олинниши, баҳор ойи охирлари куз ойининг бошланишида ҳафтада 2 марта 5% ли ош тузи эритмаси билан 5-8 дақиқагача ванна усулини қўллаш каби тавсиялар берилди.

Хулоса: Балиқларнинг лигулёз билан зарарлани- шида мавсумий динамика ҳамда биотик ва абиотик омиллар катта аҳамиятга эга бўлиб, балиқларнинг 100% гача ўлим ҳолатлари кузатилиб, балиқчилик хўжаликларига катта иқтисодий зарар келтириши аниқланди.

Балиқлар лигулёзи билан зарарланишининг олдини олишда балиқчилик сув ҳавзаларида ветерина- рия- санитари тадбирлари, дезинфекция ишларини ўз вақтида ўтказиб турилиши муҳим аҳамиятга эга эканлиги аниқланди.



2-расм. Балиқларнинг ли- гулёзини кўзгатувчилари *Ligula untestinalis* (оргинал)

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Даминов А.С., Ш.Н.Насимов, В.А.Герасимчик, С.Б.Эшбуриев, Ф.И.Қурбонов. “Балиқ касалликлари” Тошкент, “Наврўз” нашриёти, 2020, -219 б.
2. Канаев А.И. Применение лечебных препаратов в борьбе с краснухой карпов М., 1962 г.
3. Османов С.О. Паразиты рыб Узбекистана. - Ташкент: Фан, 1971.-532 с.
4. Османов С.О. Вопросы паразитологии Аральского моря. - Ташкент: Фан, 1976. - 200 с.
5. Сафарова Ф.Э., Д.А. Азимов, Ф.Д. Акрамова, Э.Б. Шакарбоев, Б.А.Қахрамонов. Балиқлар касалликлари. Тошкент, 2019.